

## **Бир обида тарихи**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи катта  
илмий ходими. Валиева Ҳадияхон.*

Соҳибқурон Амир Темурнинг жаҳон маданий тараққиётида улуғвор из қолдирган Уйғониш-Ренессанс даврининг шаклланишига улкан ҳисса кўшгани шубҳасиздир.

Амир Темурнинг осойишта кунлари, асосан, унинг Самарқанд ташқарисидаги боғларида ўтарди. Мана шу боғларидан бири-Боғи Дилкушо (“Дилларни хуш қилувчи боғ”), бошқача номи “Яқиндаги боғ”дир. Ҳозирги пайтда Самарқанд шаҳрининг шарқий қисмида Ишратхона номи билан маълум бўлган нодир меъморий ёдгорлик айнан шу боғ ҳудудида жойлашган.

Архитектура тарихшунослигининг асосий тадқиқот манбаи археологик ва қўлёзма материаллар бўлганлиги туфайли, кўпинча қадимий меъморий ёдгорликлар моҳияти ва санасини белгилаш юзасидан олиб борилган изланишларда баҳслар юзага келади. Мана шундай баҳслардан бири-Ишратхона дастлаб қандай бино тарзида қурилганлиги масаласидир.

Уни баъзи тадқиқотчилар қаср қолдиқлари деб санашса, бошқалари эса, мақбара деб хисоблайди. Чунончи, 1970-80-йилларда Г.А.Пугаченкова ва олиманинг шогирди, таникли меъморшунос П.Ш.Зоҳидов ўртасида Ишратхона дастлаб қурилганда қасрмиди ёки мақбарамиди деган мавзудаги баҳс ўз поёнига етмай қолди. Бугунги кунда меъморшунослиқ, ва, умуман, фанда юзага келган Ишратхонанинг халқ орасида ва дастлабки тадқиқотчилар томонидан қаср сафатида эътироф этилишининг сабаблари сифатида бинонинг номланиши ва ўрта аср қўлёзмаларида шу борадаги маълумотларни келтириш мумкин. Мазкур боғ ҳақида Шарафиддин Али Яздий қуйидаги маълумотни келтирган: “799 (хижрий)йили куз фаслида Конигил мавзейига боғи Эрамдан кўра дил очадиганроқ, жаннат бўстонидан

кўра шодлантирадиганроқ бир қаср куришга буйруқ берилди. Бонга Дилкушо деб ном берилди”.

Мазкур иншиот хусусида Мирзо Бобур шундай тафсиф берган: “Самарқанднинг шарқида (Амир Темур) икки боғ солубдур, бириким йироқдур, Бони Бўлдуудур, ёвуқроғи Бони Дилкушодир. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак ёғочларни эктурубтур. Дилкушода ҳам улуг кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар”.

Низомиддин Шомий Амир Темур 1399 йилнинг 29 апрель куни давлат арбоблари билан Бони Дилкушода бир кеча ту nab қолганлиги ва бу боғ Амир Темурнинг рафиқаси Тўкалхоним шарафига 1396 йилда қурилганлигини ёзади.

В.Л.Вяткин археологик қазишмаларга асосланиб, бу боғни Ҳиндуон қишлоғида (кейинчалик Дўўнг қишлоғи деб аталган) эканлигини айтади. Тадқиқотчиларнинг деярли барчаси бу боғ ўша ердалигини, Ишратхона мажмуасини эса, Амир Темурнинг кўшки сифатида қайд қилишган. Чунончи, шарқшунослар А.Л.Кун, И.И.Срезневский, хорижий саёҳатчилар Ж.Жеклер ва X.Крафтлар ҳам ушбу ёдгорликни Амир Темурнинг саройи қолдиқлари деб ҳисоблашган.

Бу ёдгорликни Амир Темурнинг кўплаб бунёд этган қасрларидан сақланиб қолган ягонасигина деб ҳисобланган. У ҳатто Ишратхонани бадиий жиҳатдан Гренада (Испания)даги машхур вVal-Ҳамра (Альгамбра)саройидан ҳам гўзалроқ деб эътироф этган. 1970-80-йилларда олиб борилган археологик текширишларда аниқланган Бони Дилкушо жойлашган ер майдони XX асрнинг охиirlаригача узумзорларга айлантирилган бўлиб, эски боғ ўрни ва уни ўраган пахса деворлардан бугунги кунда асар ҳам қолмаган. Археологик қазишма вақтида Амир Темур боғи деворлари қолдиқлари, кўплаб рангли кошин парчалари, ҳар хил идиш синиклари, мис тангалар топилган.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Боги Дилкушодаги сарой боғнинг ўртасида жойлашган бўлиб, тўрт томонида дарвозалар бўлган. Бизнингча, боғнинг тўрт томонидаги дарвозалар сарой дарвозаларига қаратиб қурилган бўлиб, уларни ўзаро тўғри ўтказилган йиллар боғлаб турган. Ҳеч шубҳа йўқки, боғнинг асосий бош дарвозасидан шаҳарга қараб йўл кетган. Бу дарвоза кўшкнинг шарқий томонига қараган. Буни иморат чорбоғнинг ғарбий адогида жойлашганлигидан билиб олиш мумкин.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, ушбу иншоот дастлаб Дилкушо ёки Феруза боғининг ичида қурилган кўшк бўлган. Бунга мана шу иншоотнинг боғ ичида қурилганлиги тўғрисидаги оғзаки маълумотлар, ўрта асрлар қўлёзмалари, Амир Темур даври ғиштларининг ишлатилганлиги ва бошқалар гувоҳлик беради. XV асрда Шоҳи Зинда мажмуасидаги мақбарааларнинг, барча бинолари галланиб бўлинганлиги туфайли Муҳаммад Султон мадрасасининг дарсхоналари, Рухобод мақбарааси, Оқ сарой қасри ва бошқа иморатлардан сўнгги Темурийлар мақбараалари сифатида фойдаланилди. Шу анъана XV асарда вайронга ҳолига келган Амир Темурнинг Ишратхона қасрида хам ўз аксини топди.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Мозийдан садо журнали 1.(69).2016
2. Ў.Алимов. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи. Т.Фан.1994 йил.